

Тўлов терминалини ижарага бериш тўғрисида Ш А Р Т Н О М А

_____ шахри № _____ 201__ й. “ _____ ” _____

Бир томондан “Агробанк” АТБнинг БОБ номидан банк Бошқаруви томонидан _____ йил _____ берилган _____-сонли ишончномага асосан фаолият юритувчи филиал бошқарувчиси _____ (кейинги ўринларда “Банк” деб номланади) ва иккинчи томондан _____ номидан таъсис ҳужжатлари (Устав, Низом, Гувоҳнома ва бошқалар)га асосан иш юритувчи унинг раҳбари _____ кейинги ўринларда “Ижарага олувчи” деб номланади ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. Шартноманинг предмети

1.1. Ушбу шартномага мувофиқ “Банк” “Ижарага олувчи”га банклар томонидан эмиссия қилинган пластик карталарга хизмат қилиш мақсадида _____ тўлов терминали (Курилма)ни ижарага беради, “Ижарага олувчи” эса ушбу тўлов терминалидан пластик карта эгаларига намунавий хизмат кўрсатиш ва ҳар ойда белгиланган тариф асосида ижара ҳақини тўлаш мажбуриятини зиммасига олади.

Таърифлар

Карточка Агробанк билан ўзаро бир-бирларининг пластик карталарига хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномаси мавжуд бўлган банклар томонидан эмиссия қилинган, сўмдаги амалда бўлган ҳар қандай пластик карта.

Ижарага олувчининг карточкаси Банк томонидан “Ижарага олувчи” учун эмиссия қилинган курилма билан биргаликда ишлашга мўлжалланган ва курилмада транзакция амалга оширилиши, уларнинг сақланиши ҳамда инкассацияни таъминловчи микропроцессорли пластик карта (DUET тизими учун).

Курилма Пластик карта эгаларига хизмат кўрсатиш мақсадида банк томонидан Ижарага олувчига вақтинча фойдаланиш учун берилган техник восита: (Савдо терминали, Мижоз учун клавиатура, Корхонанинг карточкаси ва бошқалар).

Транзакциялар Пластик карта эгаси томонидан ўрнатилган ва фақат унга маълум бўлган махсус пароль орқали амалга ошириладиган тўловлар.

Стоп лист Йўқотилган, амал қилиш муддати тугаган ва яроқсиз пластик карталар рўйхати.

2. Банкнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

-тўлов терминалидан фойдаланганлиги учун Ижарага олувчидан ижара ҳақини олиш;
-агар узрли сабабсиз узлуксиз 2 (икки) ой мобайнида Ижарага олувчининг курилмаси бўйича пул айланмаси мавжуд бўлмаса ёки транзакциялар сони календарь ой мобайнида 50 тадан ортмаган бўлса далолатномага асосан берилган жиҳозларни қайтариб олиш ва шартномани бекор қилиш;

-Ижарага олувчи Банкка биринчи навбатда ва акцептсиз тартибда ижара ҳақи бўйича хизмат ҳақларини мемориал ордер билан ундириб олиш ҳуқуқини беради;

-Банк Ижарага олувчининг ҳар қандай ҳисобварағидан ижара ҳақини ҳамда ушбу шартноманинг 4.1, 4.2 ва 4.3-бандларига асосан ҳисобланган пеня ва жарималарни ундириш

мақсадида, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда унинг рухсати (розилигисиз) ва топшириғисиз мемориал ордер билан ҳисобдан чиқаради.

-Ижарага олинган қурилма (терминал) ижарага олувчи томонидан носоз ҳолга келтирилса, таъмирлаш нарҳини ижарага олувчидан ундирилади.

2.3.Банкнинг мажбуриятлари:

-Ижарага олувчига қурилмани далолатномага мувофиқ вақтинча фойдаланиш учун бериш;

-ҳар бир инкассация чоғида Ижарага олувчини “Стоп лист”нинг янги версияси билан таъминлаш;

-уч банк иш куни ичида инкассация қилинган транзакциялар бўйича умумий натижасига эквивалент бўлган суммани Ижарага олувчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига ўтказиш, Ижарага олувчининг асосий ҳисобварағи бошқа банкда очилган тақдирда инкассация қилинган маблағларни Агробанкда очилган иккиламчи ҳисобварағига ўтказиш;

-ҳисоб-рақам фактура тақдим этиш;

-воситачилик ҳақи тарифларига киритилаётган ўзгартиришлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш.

3. Ижарага олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Ижарага олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- банкдан амалга оширилган операциялар юзасидан кўчирмаларни ёзма тарзда талаб қилиш, бунда банк тарифида белгиланган хизмат ҳақини банкка тўлаб бериш;

- қурилмадан фойдаланиш юзасидан тушунтириш беришни талаб қилиш;

- ижарага олинган қурилма учун эскириш амортизациясини тўламаслик.

3.2.Ижарага олувчининг мажбуриятлари:

-Агробанкда иккиламчи ҳисобварақ очиш, Ижарага олувчининг асосий ҳисобварағи Агробанкда очилган ҳоллар бундан мустасно;

-эгаси томонидан тўлов воситаси сифатида тақдим этилган пластик карталарни тўловга қабул қилиш (эътироф этиш) ва намунали хизмат кўрсатиш;

- ўзининг ҳар бир хонасида банк томонидан пластик картага оид берилган реклама белгилари, кўрсаткичлар ёки бошқа материалларни жойлаштириш;

- чеклар расмийлаштирилган кундан эътиборан бир йил мобайнида уларнинг иккинчи нусхасини сақлаш ва банкнинг биринчи талаби бўйича уларни 3 банк иш куни давомида банкка тақдим этиш;

- терминал орқали қилинган савдо тушумининг кунлик инкассациясини амалга ошириш;

- қурилма орқали узоқ вақт мобайнида операциялар мавжуд бўлмаган тақдирда банкнинг биринчи талабига кўра “Стоп лист”нинг сўнгги версиясини олиш учун ўзининг (DUET тизимидаги) пластик картасини тақдим этиш;

- тақдим этилган пластик карта “Стоп лист”га киритилган ҳамда қурилма дисплейида тегишли хабар олинган бўлса пластик картани тўловга қабул қилмаслик ҳамда уни ўзида ушлаб қолиш ва бу ҳақда зудлик билан банкка хабар қилиш;

- банк томонидан берилган қурилманинг бут сақланишини ва ундан мақсадли фойдаланилишини таъминлаш;

- қурилмани мустақил равишда таъмирламаслик ва бунинг учун учинчи шахсларни жалб этмаслик;

- қурилма яроқсиз ҳолга келганда (синиши, бузилиши ва ишдан чиқиши тўғрисида) бир ҳафта муддат ичида банкка хабар бериш ва қурилмани таъмирлаш учун тақдим этиш;

- Ижарага олувчининг манзили ва унинг банк реквизитлари билан боғлиқ барча ўзгаришлар тўғрисида банкка зудлик билан ёзма равишда хабар бериш;

- банкнинг талабига кўра 5 (беш) банк куни ичида ортиқча ёки нотўғри ўтказилган транзакция суммасини банкка қайтариш;
- банкнинг талабига кўра 3 (уч) банк иш куни ичида пластик карта эгасининг муурожаатига асосан амалга оширилган транзакциялар тўғрисидаги зарур ҳужжатларни тақдим этиш.

3.3. Ижарага берувчи транзакциялар бўйича маълумотлар ва ушбу шартномадан келиб чиқадиган муносабатлар бўйича ахборотларнинг сир тутилишини таъминлайди.

4. Томонларнинг жавобгарлиги

4.1. Тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ҳамда “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунига асосан белгиланади.

4.2. “Ижарага олувчи” савдо тушумини ўз вақтида инкассация қилмаганлиги учун инкассация қилинмаган сумманинг 25 (йигирма беш) фоизи миқдорида “Банк”ка жарима тўлайди. Жарима тўлаш пул маблағларини инкассация қилиш мажбуриятидан озод қилмайди.

4.3. “Ижарага олувчи” банкнинг ортиқча ёки нотўғри ўтказилган транзакция суммасини банкка қайтариш ҳақидаги талабини 5 (беш) банк куни ичида бажармаганлиги учун қайтарилмаган сумманинг 25 (йигирма беш) фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жарима тўлаш ортиқча ёки нотўғри ўтказилган суммани қайтариш мажбуриятидан озод қилмайди.

4.4. “Ижарага олувчи” мазкур шартнома бўйича ўзига юклатилган мажбуриятларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги натижасида “Банк”ка ҳамда пластик карта эгасига етказилган ҳар қандай зарарни тўлиқ тўлаб беришга мажбур.

4.5. Ижарага олувчи пластик карта орқали хизмат кўрсатишда турли хил суистеъмолчиликларга йўл қўйилганлиги, битта пластик картадан харидорнинг эҳтиёжидан бир неча баробар юқори амалиётлар ўтказилиши, фуқароларнинг пластик картасидаги маблағларни нақдлаштириш ҳолатларига йўл қўйганлиги учун бевосита жавобгар ҳисобланади.

5. Махсус шартлар

5.1. Банк инкассация қилинган маблағларни Ижарага олувчининг **фақат асосий (депозит) ҳисобварағига ва махсус ҳисобварағига (акциз махсулотлари ҳамда пайнет) ўткази**ди. Бошқа ҳисобварақларга ўтказиш ҳақидаги топшириғини ижрога қабул қилмайди. Ижарага олувчининг асосий ҳисобварағи бошқа банкда очилган бўлса, Ижарага олувчи инкассация қилинган маблағларни Агробанкда очилган иккиламчи ҳисобварағига ёки асосий депозит ҳисобварағига ўтказилади.

5.2. Банк Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ҳақидаги маълумотларни махсус ваколатли давлат органига тақдим этишга, ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туришга ёки уларнинг бажарилишини рад этишга ҳақлидир.

5.3. “Банк” “Ижарага олувчи” томонидан гумонли операциялар амалга оширилиши ҳолатлари аниқланганда ушбу шартномани бир томонлама ўз ташаббуси билан бекор қилишга ҳақли.

5.4. Қуйидаги ҳолатларда инкассация қилинган маблағларни Ижарага олувчининг ҳисобварағига ўтказилиши тўхтатилади ва банк жавобгар ҳисобланмайди:

- транзакциялар бўйича маълумотлар шартнома ёки йўриқномани бузган ҳолда берилган ёки тақдим этилган бўлса;
- пластик карта эгаси амалга оширилган транзакциядан норози бўлиб банкка хабар берган бўлса (бирок 1 календарь ойдан ортиқ бўлмаган муддатга);
- Ижарага олувчининг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарганда (қайта ташкил этилган, тугатилган ёки қўшиб юборилганда, бирок 2 календарь ойдан ортиқ бўлмаган муддатга).

5.5. Фойдаланиш учун берилган курилма Ижарага олувчининг айби билан бузилган ёки шикастланган бўлса етказилган зарар Ижарага олувчи томонидан тўланади.

6. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби

6.1. “Ижарага олувчи” банкка ҳар ойнинг 10-санасидан кеч бўлмаган муддатда белгиланган Банк тарифи асосида ижара ҳақини тўлайди.

6.2. Ижара ҳақи ўз вақтида тўланмаган тақдирда “Банк” қарздорлик суммасини “Ижарага олувчи”нинг ҳар қандай ҳисоб рақамидан мемориал ордер билан ундириб олишга ҳақли.

7. Форс-мажор ҳолатлар

7.1. Башарти, қонунда ёки ушбу шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тараф мажбуриятни лозим даражада бажаришга енгиб бўлмайдиган куч, яъни уруш, ер қимирлаш, ёнғин, иш ташлаш ёхуд бошқа офатлар (техниканинг ишга яроқсиз бўлиб қолиши, дастур таъминоти ва маълумотларни узатиш тизимларининг издан чиқиш ҳолатлари, бунда улар томонидан ўз мажбуриятларининг бажарилишига таъсир кўрсатувчи, бироқ уларнинг айбисиз юзага келган омиллар), фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади.

8. Низоларнинг ҳал этилиши

8.1. Ушбу шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал этилади, томонлар келишувга эришмаган тақдирда низо бўйича ҳужжатлар кўриб чиқиш учун хўжалик судига тақдим этилади.

9. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

9.1. Ушбу шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар фақат тарафлар томонидан имзолангандан сўнг кучга киради.

9.2. Мазкур шартномага барча иловалар ва қўшимчалар шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

9.3. Томонлар ўртасида илгари тузилган тўлов терминалини ижарага бериш ҳақидаги барча келишувлар ушбу шартнома имзоланган пайтдан эътиборан ўз кучини йўқотади.

10. Шартноманинг амал қилиши, кучга кириши, ўзгартирилиши ва бекор қилиниши

10.1. Шартнома тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга киради. Ушбу шартнома 3 (уч) календарь йилга тузилади. Агар тарафлар шартномани амал қилиш муддати тугашидан камида 20 кун олдин уни бекор қилиш истагини билдирмаса, шартнома яна бир йилга узайтирилган ҳисобланади.

10.2. Ушбу шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар томонларнинг розилиги билан киритилади.

10.3. Ижарага берилган барча қурилмалар, жиҳозлар ва бошқа воситалар банкка қайтарилган ҳамда тўлиқ ўзаро ҳисоб-китоб амалга оширилган тақдирда шартнома тарафларнинг ташаббуси билан ҳар қандай шароитда бекор қилиниши мумкин (шартномада кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно).

10.4. Ушбу шартнома банкнинг талаби билан исталган вақтда, бироқ Ижарага олувчини камида бир ой олдин огоҳлантирилиб, бекор қилиниши ва ижарага берилган қурилмалар қайтариб олиниши мумкин.

10.5. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган, икки нусхада тузилди, бир асл нусхаси Ижарага олувчида, бир асл нусхаси банкда сақлаш учун қолдирилди.

10.6. Шартномага Ижарага олувчининг сўров варақаси (1-сонли илова) ва сўмдаги пластик карталарга хизмат кўрсатиш бўйича йўриқнома (2-сонли илова) илова қилинади.

Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари

БАНК

Банк манзили:

х/р

МФО

ИНН:

Бошқарувчи

Бош бух

ИЖАРАГА ОЛУВЧИ

М.У.

Ижарага олувчининг сўровномаси

(ижарага олувчининг номи)

Ижарага олувчининг юридик
манзили:

(почта индекси, шаҳар, туман, кўча, уй)

Раҳбар:

(Ф.И.Ш.)

Телефон:

Бош бухгалтер:

(Ф.И.Ш.)

Телефон:

Хизмат кўрсатиш
жойининг номи

Манзили:

Раҳбар:

Телефон:

**Ижара шартномасига
2-сонли илова**

Сўмдаги пластик карталар эгаларига хизмат кўрсатиш ва ишлаш қоидалари билан танишиб чикдим. “Агробанк” АТБ йўриқномалари кўрсатмаларига амал қилиш мажбуриятини зиммамга оламан.

- | | |
|-------------------------------|--------------|
| 1. _____
(Ф.И.Ш. лавозими) | _____ (имзо) |
| 2. _____
(Ф.И.Ш. лавозими) | _____ (имзо) |
| 3. _____
(Ф.И.Ш. лавозими) | _____ (имзо) |
| 4. _____
(Ф.И.Ш. лавозими) | _____ (имзо) |
| 5. _____
(Ф.И.Ш. лавозими) | _____ (имзо) |
| 6. _____
(Ф.И.Ш. лавозими) | _____ (имзо) |

Ижарага олувчи _____
М.Ў.

Юқорида қайд этилган ахборотни тасдиқлайман ва юқорида кўрсатилган ходимларни сўмдаги пластик карталар эгаларига хизмат кўрсатиш юзасидан масъул этиб тайинлайман.

“Агробанк” АТБ номидан _____ Ижарага олувчининг ходимлари билан йўл-йўриқ ўтказдим, банк йўриқномалари билан таништирдим.

201__ й.”_____
(Йўл-йўриқ ўтказилган сана)

**Ижара шартномасига
3-сонли илова**

**Терминални топшириш ва қабул қилиб олиш
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Тошкент ш.

“_____” _____ 201_ й.

Ушбу далолатномани тузиб имзо чекувчилар “Агробанк” АТБ БОБ бошлиги Т.Абдуллаев иккинчи томондан _____ билан 201_ йил _____ имзоланган №_____ шартномага асосан қуйидаги жиҳозларни юридик субъект номидан _____ қабул қилди/топширди.

№	Қурилма номи	Серияси	Сони	Нархи
1	Терминал тури		1	
2	Блок питания.шнур		1	
3	Корхона карточкаси		1	
	Жами			

Топширди:

Қабул қилди:

**“Агробанк” АТБ
Банк Операциялари бошқармаси**

Мижоз

М.Ў.

М.Ў.

Далолатнома 2 (икки) нусхада тузилди.

UZKART логотипи, ишонч телефони рўйхати берилди ва терминалдан ишлаш тартиби ўргатилди.